

**“ТУРОНБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
БОШҚАРУВ ҚАРОРИ**

2021 йил “02” Март

№ 17/2

Тошкент ш.

““Туронбанк” АТБ тизимида ОДОБ-АХЛОҚ Қоидалари”ни тасдиқлаш тўғрисида

БОШҚАРУВ ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ички назорат департаменти директори О.Эргашевнинг ““Туронбанк” АТБ тизимида ОДОБ-АХЛОҚ Қоидалари”ни тасдиқлаш юзасидан берган ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. ““Туронбанк” АТБ тизимида ОДОБ-АХЛОҚ Қоидалари” иловага мувофиқ маъқуллансин.


3. Ушбу Қоидани кўриб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан банк Кенгашига мурожаат қилинсин.

4. ““Туронбанк” АТБ тизимида ОДОБ-АХЛОҚ Қоидалари” банк Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг, Банк аппарати (И.Саламов) зиммасига мазкур Қоидани рўйхатга олиш ҳамда банкнинг тегишли департамент, мустақил бошқарма ва барча филиаллар(МАБ)га ишда амал қилиш учун юбориш вазифаси юклатилсин.

5. Банк Бошқарувининг 2016 йил 7 июлдаги 74-сонли қарори билан тасдиқланган ““Туронбанк” АТБ тизимида ОДОБ-АХЛОҚ Қоидалари” (рўйхат рақами 490) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув Раиси


И.С.Мирзаев

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ Кенгашининг

« 02 » март 2021 йилдаги

№-14 - сонли Қарори

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Туронбанк» АТБ Бошқарувининг

« 02 » март 2021 йилдаги

14/2 - сонли Қарори

№ 858

“Туронбанк” АТБ тизимида ходимларининг

ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

(Янги таҳрири)

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоида “Туронбанк” АТБ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар «Туронбанк» АТБнинг Бош банк ва филиал (МАБ) ходимларининг (кейинги ўринларда Туронбанк ходимлари деб аталади) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларини белгилаб беради.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Туронбанк ходимларини юксак ҳуқуқий онг, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Туронбанкка ишга кираётган шахслар одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар.

4. Туронбанк ходимлари қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш ходимларнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

5. Туронбанк ходимларида Одоб-ахлоқ қоидалари, касбий хулқ-атвор ёки Туронбанк тартиб-таомиллар билан боғлиқ ҳар қандай саволлар пайдо бўлганида улар ўзининг таркибий бўлинма раҳбарига ёки Комплаенс-назоратни амалга оширишга масъул бўлган таркибий бўлинмага маслаҳат сўраб мурожаат қилишлари мумкин.

II. Асосий тушунчалар

6. Одоб-ахлоқ қоидалари мақсадларида фойдаланиладиган асосий тушунчалар:

ходим – “Туронбанк” АТБ Бош банки ва филиал(МАБ)лари билан меҳнат муносабатларига киришган шахс;

раҳбар – “Туронбанк” АТБ Бош банк таркибий бўлинмалари раҳбарлари, филиал бошқарувчилари;

таниш-билишчилик – маҳаллийчилик ёки ошна-оғайничилик алоқаларини биринчи ўринга қўйган ҳолда, уларга асоссиз имтиёзлар бериш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида хизмат мавқеидан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш;

ҳомийлик – ён босиш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида ходимни юқорироқ лавозимдаги ходим томонидан ҳимоя қилиш;

фаворитизм – кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлаш, лавозими бўйича кўтариш, мукофот ва шахсий устамаларни белгилаш ва бошқаларда бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиш.

III. «Туронбанк» АТБ тизимида ходимларнинг хизматдаги хулқ-атворининг асосий принциплари ва қоидалари

7. Туронбанк тизими ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

очиқлик ва шаффофлик;

коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

IV. Туронбанк ходимлари мажбуриятлари

8. Туронбанк ходимлари қуйидагиларга мажбур:

хизмат вазифаларини бажаришда қонун талабларига катъий риоя этиши;

ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариши;

юқори давлат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган) қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажариши;

ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички меъёрий-ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириши;

ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмасликни ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиши, уларни камситиш ҳолатларига йўл қўймаслиги;

ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣ ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-харакатларга барҳам бериши;

меъёрий-ҳуқуқӣ ҳужжат ва идоравӣ ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва таъқиқларга риоя қилиши, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажариши;

ўз хизмат фаолиятига бирор-бир таъсир кўрсатиш имкониятига барҳам бериши;

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқларининг урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиши, турли этник, ижтимоӣ гуруҳлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб, ижтимоӣ барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликка кўмаклашиши;

ўзларининг хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки Туронбанкнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслиги;

хизмат мавқеидан Туронбанк, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслиги;

Туронбанкда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиши лозим;

9. Сиёсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий ва буюқ субъектив сабаблар ходимларнинг қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

10. Агар қонун ҳужжатларида буюқча тартиб назарда тутилмаган бўлса, ходимларга ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан буюқча наф кўриш таъқиқланади:

11. Туронбанк ходимлари коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг профилактикасига фаол кўмаклашиши шарт.

12. Ходимлар ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган муурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек Туронбанкнинг буюқча ходимлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши шарт.

Туронбанк раҳбарлари шахс қонунчилиқнинг бузилиши фактлари тўғрисида муурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва муурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек буюқча шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки буюқча шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

Туронбанк ходимлари касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, Туронбанкда ёхуд унинг таркибий ёки филиалида маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим,

бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, хамшаҳарлик ёки шахсий садокат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм куринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши; коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши; ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларнинг хизматдаги хулқатвори принциплари ва қоидаларини бузаётган хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўйилмаслик чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

Туронбанк ходимлари ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошқа ходимлар билан ўзаро ишчанлик ва амалий хамкорликни қарор топишига даъват этиши лозим.

Туронбанк ходимлари хушмуомала, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва хамкасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши; уларни хурмат қилиши шарт.

Ходимлар ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир кўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда ходимларнинг ташқи кўриниши фуқароларнинг Туронбанкка нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофиқ бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

Туронбанк ходимлари хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим.

V. Коррупцияга қарши курашиш

13. Ходимлар коррупцияни ҳар қандай шакли ва кўринишига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши ҳамда хизмат мавқеидан шахсий ёки учинчи шахслар манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши (ҳаракатсизлиги) шу жумладан, воситачилик қилиши ёки бошқа мақсадларда ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга ошириши қатъий тақиқланади.

14. Ходимлар:

коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг олдини олишга фаол кўмаклашиши;

Туронбанкнинг Комплаенс-назоратни амалга оширишга масъул бўлган таркибий бўлинмасини, ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа ходимлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши;

Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишга ҳамда манфаатлар тўқнашувнинг олдини олишга доир қонун ҳужжатлари, "Туронбанк" АТБнинг ички меъёрий ҳужжатларига асосан коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга доир қоидаларда талаб этилган ахборот ва маълумотни тақдим этиши шарт.

Раҳбарлар ходимнинг қонун ҳужжатлари талабларини бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъқиб қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши керак.

VI. Манфаатлар тўқнашуви

15. Туронбанк ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви ходимларнинг шахсий манфаатлари, уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Туронбанк ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ходимлар ўз раҳбарини дархол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

16. Туронбанк ходимлари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади.

Туронбанк ходимлари ўз хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига ёки уларга зарар етказиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширмаслиги, шунингдек бу каби лавозимни эгалламаслиги керак.

Туронбанк ходимлари ҳар қандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан мумкин бўлмаган шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Туронбанк ходимлари ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

17. Туронбанк ходими лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

VII. Совғалар ва иш муомаласида меҳмондўстлик белгиларига нисбатан муносабат

18. Ходим ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний ёки юридик шахслардан бирор-бир совға, мукофотлар шаклида пул маблағлари ёки моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

19. Ходимлар бир-бирига шахсий байрамлар (туғилган кун, фарзандининг туғилиши ва бошқа шахсий тадбирлар)да хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бериладиган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

20. Совғаларни қабул қилишнинг қонунийлигида ҳар қандай шубҳалар пайдо бўлганда ходим Комплаенс-назоратни амалга оширишга масъул бўлган таркибий бўлинмага маслаҳат сўраб мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ.

21. Туронбанк ходимлари халқаро ташкилотлар, хорижий ҳамкорлар ва бошқалар билан расмий учрашувларда, семинар, конкурс ва бошқа тадбирларда иш муомаласида меҳмондўстлик белгиларини олганда ёки берганда Комплаенс-назоратни амалга оширишга масъул бўлган таркибий бўлинмага хабар беради.

VIII. Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.

22. Туронбанк ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

23. Туронбанк ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

24. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси Туронбанкнинг таркибий тузилмалари ходимларидан камида 5 кишидан иборат таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги ва унинг

фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалалари Туронбанк томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади.


Айни вақтда Туронбанк раҳбарининг кўриб чиқишига қоидалар бузилишини содир этган Туронбанк ходимини жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади.

Йўл қўйилган қоида бузилишининг характерини ҳисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси Туронбанк ходимига нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Туронбанк ходимлари ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек Туронбанкнинг қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.


Киритилди:

**Ички назорат департаменти
директори**


_____ **О.Р.Эргашев**

Келишилди:

**Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари**


_____ **А.Т.Ташев**

Бошқарув Раиси ўринбосари


_____ **С.Т.Калдибаев**

Бошқарув Раиси ўринбосари

_____ **Д.А.Рустамов**

Бошқарув Раиси ўринбосари


_____ **Ж.А.Ташқулов**

**Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот
департаменти директори**


_____ **Ш.Э.Бозоров**

Юридик департаменти

директори




Б.Н.Арипов

Банк аппарати раҳбари




И.Т.Саламов

Ходимлар билан ишлаш департаменти
директори



Ш.А.Ибрагимова

Кредитлаш департаменти директори




Ф.Ф.Шакарров

Инвестиция фаолиятини
мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни
бошқариш Маркази директори



З.А.Хамраев

Банкни стратегик
ривожлантириш ва маркетинг
департаменти директори в.в.б



Ф.А.Рўзиқулова

Банк рискларини бошқариш
департаменти директори




С.О.Сафаров

Чакана хизматлар кўрсатиш
департаменти директори



Р.Ш.Файзиев

Ташқи иқтисодий фаолият
департаменти директори



И.З.Қутбиддинов

Ахборот технологиялари
департаменти директори



З.Я.Ибрагимов

Ички аудит департаменти директори



Б.У.Ахмедов

Ғазначилик ва қимматли қоғозлар
департаменти директори




Т.Х.Ахмедов

Банк хавфсизлиги ва ахборотларни
муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи



Н.И.Тангнибердиев

Ишлар бошқармаси бошлиғи



А.А.Шаққулов